Қуръон соҳиби худди тушовланган туя соҳибига ўхшашдир

08:40 / 29.12.2019 2068

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عُمَرَ 5، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّمَا مَثَلُ صَاحِبِ الْقُرْآنِ كَمَثَلِ صَاحِبِ الْإِبِلِ الْمُعَقَّلَةِ، إِنْ عَاهَدَ عَلَيْهَا أَمْسَكَهَا، وَإِنْ أَطْلَقَهَا ذَهَبَتْ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

96. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қуръон соҳиби худди тушовланган туя соҳибига ўхшашдир. Агар ундан хабар олиб турса, уни тутиб қолади. Тек қўйса, кетиб қолади»**, дедилар».*

Бухорий ривоят қилган.

* *Қуръон соҳиби деганда Қуръонни ўқишга одатланган киши назарда тутилади. Қуръонни ўрганиш, уни доим тиловат қилиб туриш қочиб кетиши мумкин бўлган туяни боғлаб қўйишга ўхшатилган.*